

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаганлиги сабабли жиноят иши ҳаракатдан тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2003 йил 14 январдаги ҳукмига асосан Ш. ЖК 167-моддаси 2-қисмининг «г» банди, 228-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, у 2002 йил 3 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра Ш. Бекобод туманидаги 26-сонли ўрта мактаб директори вазифасида ишлаб келган даврида мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, мактаб ўқитувчиси С.га меҳнат таътили учун тўланиши лозим бўлган 48.888 сўм миқдордаги пулни, тўлов ведомостидаги имзони қалбакилаштириш йўли билан ўзлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига кўра биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс етказилган зарарни қоплаган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган бўлса, суд шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиши мумкин.

Иш материалларидан кўрининишича, Ш. биринчи марта жиноят содир этган, қилмишидан пушаймон, етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, ўн йилдан бери мактаб директори лавозимида ишлаб келиб, ижобий тавсифномага эга, қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари бор.

Суд ишни кўришда Ш. томонидан содир этилган жиноят ЖК 15-моддасига мувофиқ унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, иш бўйича мулкый зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчи ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини эътиборга олмаган ва жиноят ишини тугатиш масаласини муҳокама қилмаган.

Суднинг амнистия акти асосида Ш.ни жазодан озод қилиш ҳақидаги қарори қонунга зид бўлмасада, бироқ либераллаштириш ҳақидаги қонун талабларига ҳамда Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципига мос келмайди.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари киритган протестга асосан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация инстанцияси 2004 йил 25 май куни Ш.га нисбатан чиқарилган ҳукмни бекор қилиб, ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 2-бандига асосан жиноят ишини тугатган.

4-148-сонли ажрим